



# ТОШКЕНТ О'QSHOMI



**XVI** саҳоси  
Хаср Барча маълумлардан олинган сўнгги хабарлар

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 111 (9.608) 2001 йил 21 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда



## Истеъдодли ёшлар — истиқболимиз тимсоллари

Хали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган кўплаб йигит-қизларимизнинг номлари ҳозирдаёқ мустақил давлатимиз тарихи саҳифасидан жой олди. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида «Ўзбекистон» нашриёти томонидан «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» номли китоб нашр этилди.

Китобда халқро майдонда фан, маданият, спорт каби соҳаларда ўз муваффақиятлари билан шухрат қозонган ва Ватанимиз шаънини улуғлаб келаётган йигит-қизларимизнинг 300 нафарга яқини ҳақида ҳикоя қилинади.

### КЕЧА

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида янги нашининг тақдими маросими бўлиб ўтди. Республикамининг барча вилоятларидан Тошкентга тўпланган китоб қаҳрамонлари бу маросимнинг асосий иштирокчиларига айланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган тантанали тадбирдан олдин улар аждодларимизнинг Ўзбекистон мустақиллиги йулидаги фаолияти олдига ёш авлод эҳтироми тимсоли сифатида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйди.

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ёшларни мустақиллик тимсоллари деб атади, уларга катта ишонч билдирди, — дея таъкидлади тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов. — Мамлакат мустақиллиги истеъдодли ёшлар учун кенг йўл очди. Муносиб ўринбосарларни тайёрлаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакат раҳбарияти сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз ташаббуси билан яратилган «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобида соғлом, баркамол, фидойи ва Ватанга садоқатли авлоднинг тарбиялашда эришилган ютуқлар кенг кўламада ақс этган. Китобнинг жаҳонда шухрат қозонган қаҳрамонлари олдига янада улкан вазифалар турибди, улар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз доверуғини барча қитъаларда кенг ёйишга қодирдир.

— Барча тенгдошларим номидан гоят улкан, чинакам маънода оталарча гамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдираман, — деди ёш шоира, Зулфия номидаги мукофот лауреати Гулжамол Аскаророва, — Биз ёшлар ўз ишларимиз билан халқимизга хизмат қилишимиз зарур.

— Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритганим билан биринчи бўлиб мени Президентимиз табриклади, — деди бокс бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, Олимпиада ва Осиё ўйинлари ғолиби Мухаммадқодир Абдуллаев. — Мен буни чексиз қувонч билан ва давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қилдим. Ҳаётимнинг қийин дамларига ва спорт курашларига Президентимизнинг «Раҳмат, ўғлим!» деган сўзларини эслайман. Бу менга куч ва руҳ бағишлайди.

— Бугун мен учун, айниқса қувончли кун, чунки бугунги тантана тугилган кунимга тўри келди. бунда рамзий маъно бор, — деди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Саодат Рискимова. — Президентимиз ташаббуси билан яратилган китобнинг қаҳрамонлари бўлиш — биз учун катта шараф.

Ўзбекистон ёшларининг энг яхши вакиллари тўғрисида ҳикоя қилувчи китобнинг тақдими маросими катта байрамга айланди кетди. Театр сахнасида мустақил Ватан, она юрт гўзаллиги, ёшлар ҳақидаги янги шеърлар, машҳур кўшиқлар янгради. Уларни китоб қаҳрамонлари — ёш бўлишларига қарамай, мамлакатимизда яхши танилган шоирлар ва эстрада хонандалари ижро этдилар.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

□ **БУГУН** Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежида талабалару ўқитувчилар иштирокида Тошкент шаҳар ҳамда Ҳамза туман ҳокимликлари, Маънавият ва маърифат марказлари ташаббуси билан «Иқтисодий ислохотлар — жамият пойдевори» мавзюда семинар ўтказилди.

□ **БУГУН** Юнусобод туманидаги Ёнгиндан сақлаш олий техника мактабида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Аналар ва болалар йилига бағишланган «Миллий гоё ва миллий мафкура» мавзюда семинар бўлиб ўтди.

□ **КАДРЛАР** тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга оширишга интилаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошида «Халқаро муносабатлар ва ҳуқуқ» деб номланган факультетларо магистрлик курси ташкил этилди. Европа иттифоқининг ҳуқуқни ривожлантиришга доир лойиҳаси асосида ташкил этилган ушбу курс магистрантлари эндиликда тараққий этган хорижий мамлакатларнинг университетларида ҳам тахсил олиш имконига эга бўладилар.

□ **ИҚТИСОДИЁТ** асосларини талабаларга чуқур ўргатишга асосланган Тошкент Давлат иқтисодий университети қошидаги академик лицей маъмури-

яти Буюк Британиянинг иқтисодий йўналишидаги коллежлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Ўзбек ва рус тилларида дарс машғулоти ўташга ихтисослашган мазкур билим масканида эндиликда инглиз тили ҳам талабаларга мукамал ўргатилади.

□ **ЎТГАН** кун Россия ҳамда Италиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ташаббуси билан Сергей Есенин номли музейда уч кундан бери давом этаётган «Ўтмиш ва бугунги кунда Шарқ ҳамда Ғарб дунёқарашининг ўзаро таъсири» мавзюдаги конференция ўз ишини якунлади.

□ **ЁШЛИК** талабалар шаҳар ҳақида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат техника университети талабалари иштирокида янги ҳаёт оstonасига қадам қўяётган халқаро муносабатлари тақдирлаш маросими ўтказилди.

□ **СОҒЛОМ** танда — соғ ақл» шioriга амал қилаётган шаҳримиздаги «Матлуба опа» хуқуқий теннис корти маъмурияти болалар ва ўсмирлар ўртасида турли хил турнирлар ташкил этиб келмоқда. Яқиндаги на Аналар ва болалар йилига бағишлаб ушбу спорт мажмуида теннис мусобақаларида муваффақиятли катнашиб келаятган 50 нафар болажонлар иштирокида турнир бўлиб ўтди.

Ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасаддиларнинг эсдалик соғвалари инъом этилди.

## — ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА Глинка кўчасининг бир қисмини Братислава кўчаси деб қайта номлаш тўғрисида

Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг 2001 йил 17 июлдаги Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Словакия номи бериш тўғрисидаги илтимосини ҳамда Братиславадаги кўчалардан бири «UZBECKA ULICA» деб номлашини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Глинка кўчасининг бир қисмини Братислава кўчаси деб қайта номлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шунга мувофиқ Яққасарой тумани ҳудудидаги Глинка кўчасининг Юсуф Хос Ҳожиб кўчасидан Шота Руставели кўчасигача бўлган қисмига **BRATISLAVA ko'chasi** номи берилди.

Кўча номи ўзгартиришга оид тегишли ишларни 2 ҳафталик муддат ичида амалга ошириш вазифаси Яққасарой тумани ҳокимлиги зиммасига топширилди.

Ушбу ўзгариш тўғрисида барча манфаатдор ташкилотлар хабардор этилиши таъкидланди.

### ТАЪЛИМ

## Лицейларга замонавий жиҳозлар

Бугунги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кўплаб ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ҳамда кўргазмалли қуроллар билан жиҳозланмоқда. Физика ва кимё фани ўқув лабораториялари янги ўқув йилида яна қатор янги асбоб-ускуналар ҳисобига бойийдиган бўлди.

«Лаборатория метроном», «Лаборатория секундомери», «Кўргазмалли генератор» деб номланган техника воситалари ҳам кўплаб оли-

нади. Бундан ташқари «Қуёш батареялари», «Ўқув лазер» каби қурилмалар амалий машғулотларни олиб боришда қўл келади. Республикаимиздаги «Эл» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бу хил кўргазмалли ўқув қуролларини етказиб бериш мақсадида лицей ва коллежлар билан шартномалар тузди. Корхона тақдим этган рўйхатга 2003 йил учун мўлжалланган асбоб-ускуналар номлари ҳам кўрсатилди.

Акбар АЛИЕВ

### Мамлакатимизда

● 19 сентябрь куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбатлашди. Икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва турли соҳаларда Ўзбекистон-Америка ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 сентябрь куні Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайлони қабул қилди. Учрашувда АҚШда террорчилик ҳаракатлари содир этилгандан сўнг дунёда юзага келган вазият ҳамда Марказий Осиёдаги мавжуд ҳолат юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Томонлар, шунингдек, халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўллари муҳокама қилди.

● **Бугун** марказий газеталарда АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Факултода ва Мухтор элчиси Жон Хёрбстинг «Тараққий этган мамлакатлар терроризмга қарши урушда ғалаба қозонади» сарлавҳаси остидаги мунохабаси эълон қилинди. Унда жумладан терроризм бутун инсониятга қарши қартилган жиноят эканлиги, АҚШ дунёнинг бошқа халқлари билан биргаликда бу урушда ғалабага эришажғи ҳақида фикр юритилади.

● Вазирлар Маҳкамасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш республика кенгашининг мажлисида ижтимоий соҳа, жумладан, маърифий-мафкуравий тарғибот ишлари билан боғлиқ муаммолар ечими ҳусусида сўз борди.

● Самарқанд Давлат чет тиллар институтида янги ўқув йилидан бошлаб корейс филологияси факультети иш бошлади.

● Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти ташаббуси билан Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институтида нашр этилган янги асарларнинг тақдими бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Хиндистон Маданият марказида «Шанкар-2000» халқаро болалар ижодиёти танловининг ўзбекистонлик соғирдорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Республика Киночилар уйида ёзувчи Анвар Обиджон қаламига мансуб «Даҳшатли мешполон» кинесаси асосида суратга олинган бадиий фильмнинг тақдими маросими бўлиб ўтди.

● Тошкентда эркаклар ўртасида шахмат бўйича олий лига Ўзбекистон чемпиониатини якунлади. Унда мамлакатнинг энг кучли саккиз нафар шахматчиси шахмат тожи учун кураш олиб борди. Самарқандлик Шукро Сафдин саккиз имкониятдан 6,5 очко тўплаб республика чемпиони бўлди.

### Жаҳонда

● Россия Тولىбон ҳаракатиға қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмокчи эмас. Россия бую штабининг бошлиғи А.Квашини чоршанба куні Душанбеда ана шундай баёнот берди. Бу ерда А.Квашини Тожикистон Президенти И.Раҳмонов билан музокаралар олиб борди. Суҳбатлар пайтида минтақа ва дунёдаги вазият муҳокама қилинди. Ана шу масалалар Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби В.Рушайло ва Тожикистон Президентини И.Раҳмонов ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлар пайтида ҳам кўтарилди.

● **КЕЧА** Брюсселда Европа Иттифоқининг қароргоҳида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ички ишлар вазирлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари терроризмга қарши кураш бўйича ягона тадбирларни қабул қилдилар.

● **Бугун** АҚШ Президенти Жорж Буш конгрессда сўзга чиқди. Унинг нутқи 11 сентябрдаги воқеаларга бағишланди.

● АҚШ ва Буюк Британия махсус хизматлари терроризмга қарши курашнинг яширин режасини ишлаб чиқмоқдалар. Бу режа 10 йил муддатга мўлжалланган.

● **КЕЧА** Македония парламенти маҳаллий албанларнинг фуқаролик ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган конституцион тўзатишларни қараб чиқишга киришди.

● Буюк Британия авиацияси Ироқ жаҳонда жойлашган ҳаво ҳужумидан мудофаага қарши ҳарбий ишношотларга ҳужум қилди.

● Бразилия сенатининг раиси Жардер Барбозо коррупциядаги айбловлар муносабати билан эғаллаб турган лавозимини тарқ этиш тўғрисидаги ўз қарорини эълон қилди.



# Ўзбекистондаги «Меҳри» аёллар жамиятининг бугунги кундаги хайрли ишлари диққатга сазовор бўлмоқда. Ушбу жамиятнинг асосий мақсади ва вазифалари хусусида «Меҳри» аёллар жамиятининг раиси Наима Холмухамедова бизга куйидагиларни гапириб берди.

## «Меҳри»га дил пайваста

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб ушбу сатрларни ўқир эканмиз, ҳақиқатан ўзбек аёлининг буюклигига, суюклигига, ҳар соҳада фидойилигию жафоқшлигига яна бир бор тан берамиз.

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси Назира Раимовани

да. Маҳаллада каттаю кичикка меҳрибонлиги, ширинсўзлиги, бировлар дардига шерик бўлиши билан обрў қозонди.

Назира опа маҳаллада ўтказилаётган тўй ва турли маросимларнинг ичхам, чиройли ўтишига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

— Одамлар ташвиши, менинг ташвишим, шодлиги эса шодлигимдир, — дейди Назира опа. — Эл дардига ҳамдард, ҳамнафас

### НИШОНДОРЛАРИМИЗ

## Ҳам куюнчак, ҳам суюк ўзинг



Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг, Куюнчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг, Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси Эй Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

фидойи аёллар сирасига киритиш мумкин. Ижодкор олима, моҳир устоз, меҳрибон мураббия, фаол жамоатчи Назира Раимова ҳақида сўз юритганда унинг 50 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтганлиги яққол кўзга ташланади. У умрининг 40 йилдан зиёдини педагогликка бахш этди. Тарих фанлари номзоди, доцент Назира Раимова 20 дан ортиқ илмий-методик асарлар, ўқув кўлланмаларининг муаллифидир. Бундан ташқари Беруний маҳалласи хотин-қизлари орасида қарийб 20 йил мобайнида тарбиявий, маърифий ва маданий ишларни олиб бормоқ-

бўлиб, ёрдамга, маслаҳатга муштоқ одамларга озгина бўлса ҳам ёрдамим тегса, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Умрим одамлар орасида ўтди. Бундан фахрланаман. Эл корига яраб яшаш, бу катта бахт.

72 ёшида ҳам тиним билмай маҳалла ишларига бош-қош бўлиб келаётган бу фидойи онахоннинг хизматлари муносиб тақдирланиб, «Шухрат» медалли билан тақдирланди. «Меҳнат қилган элда азиз», деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан меҳнат инсонни улуғлайди, азиз қилади. Бунга Назира опа сингари фидойи инсонлар ҳаёти мисол бўла олади.

Дилором ИКРОМОВА

### ҚИЗЛАР ДАФТАРИДАН

## Бешик қучгин сингилжон

Боғингда баҳор бўлсин,  
Толе сенга ёр бўлсин.  
Бахтинг барқарор бўлсин,  
Бешик қучгин сингилжон.

Севги дилнинг гулзори,  
Бола уйнинг бозори.  
Узилмасин ишқ тори,  
Бешик қучгин сингилжон.

Кодир Худо кўлласин,  
Одам Ато кўлласин.  
Момо Ҳаво кўлласин,  
Бешик қучгин сингилжон.

Айланайин ўзингдан,  
Попукдай кош-кўзингдан,  
Кутлаб ўпай юзингдан,  
Бешик қучгин сингилжон.  
Садоқат ФАЙЗИЕВА

## Билиб қўйган яхши

◆ Бола учун она сути энг яхши озиқа бўлиб, таркибида чақалоқнинг соғлом ўсиши учун зарурий оксиллар, ёғлар, углеводлар ва минерал моддалар етарли миқдорда бўлади.

◆ Она сути суюк, енгил ҳазм бўлувчи, турли микроблардан ҳоли озиқадир.

◆ Она сути мўъжиза, унинг таркибида темир, мис, кобальт сингари микроэлементлар мавжуд бўлиб, камқонликнинг олдини олади.

◆ Витамин Д, кальций ва лимон кислота болани рахитдан сақлайди. Ундаги иммуноглобулинлар янги туғилган чақалоқни турли инфекциялардан ҳимоя қилади, онадан болага иммунитет ўтишини таъминлайди.

◆ Кўкрак сути таркибига кирадиган углеводлар овқат ҳазм қилиш жараёнлари учун, бола ичагида унга фойдали бўлган микроблар ривожланишини фаоллаштириши, шунингдек ичак таёқчаларининг кўпайишига қаршилик кўрсатиши учун қулай шарт яратиш хусусиятига эга.

◆ Бундан ташқари фойдали микроблар болани ич кетишидан сақлайди, чунки улар В гуруҳидаги витаминларни ва шунга ўхшаш антибиотик моддаларни ишлаб чиқариш хусусиятига эга.

◆ Она сутининг ажойиб хусусиятларидан яна бири — боланинг асаб тизимининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

◆ Она сути билан катта бўлган болалар жисмонан ва ақлан ажралиб туради.

◆ Она сути — ҳаёт ва меҳр булоғи.

## Олмали қўймоқ



Хамиртурушни илқ сутда эритгач, ун солинади ва яхшилаб аралаштирилади: идишнинг устига сочик ёпиб, иссиқ жойга олиб қўйилади. Хамир кўтарилгач, тухум, ёғ, туз ва шакар қўшилади ва ёғоч қошиқ билан яхшилаб қорилиб, яна кўтарилиши учун олиб қўйилади. Арчилган нордонроқ олмалар юпка қилиб тўғралади ва тайёр хамирга аралаштирилади. Кейин хўлланган қошиқ билан хамирдан оз-оздан олиб, ёғи қиздирилган товага солиниб, иккала томони яхшилаб қовурилади.

Олмали қўймоққа 500 грамм ун, 2 стакан сут ёки сув, 2 дона тухум, 2 ош қошиқ шакар, 3-4 ош қошиқ сарийёғ ёки ўсимлик ёғи, 0,5 чой қошиқ туз, озгина хамиртуруш, 3-4 дона олма керак бўлади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.



Ярашиқли либос — хуснга мос.



Душанба

24

6.00-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Ғаблинома»
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 «Ўзбектеlevision» наомийи...

14.55 Кўрсатувлар дастури: 15.00 Жаҳон жўроғини...
15.45 «Дар» дафта ичида»
16.25 «Опти жаҳонга» Бадий...

17.25 М. Ёлдошев ҳузурда милоҳода
18.00 «Мудаббат замини». Сериал
19.00 «Мени кутти!»
20.00 «Время»

буған эди» саргузашт фильмида.
13.05 Муълтоасан.
13.20 «Кўнрашар шар» Л. Орлов...

7.45, 16.25, 19.40, 02.10 Йўл назорати.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 12.00...

8.05 «Оқ йўл». Мусикали дастур.
8.20 «Елканда бошин бор»...

7.00 Тонги телеканал. «Кайфият»
9.55 Канада кўрини.
10.00 «Магдальена» охида...

14.30 Аёллар хайвони.
15.00 «Качи-қачи» мультсериали.
15.30 «Мамма Сандс» сериали.

Сешанба

25

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Абдорот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет

11.05 Сопоматлик силари.
11.25 Улар Хошимов. «Баҳор кайтмайди»...

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 СҒ таҳдид элади: «Бевойи хайвонлар туркумида»

10.50 Бибилнома.
11.15 Кундузи киносиван.
«Сешанба-Меноратни қотил...

11.20 «Бир кун» К. Набутов билан.
12.25 Киноғет. Г. Митин «Саргузашт фильмида»...

11.20 Марказий телевидение: 50 йиллиги олдидан.
«Теледоница»...

8.00 REN Tuda «Fox Kids»
Икс-мен» мультсериали.

14.30 Аёллар хайвони.
15.00 «Качи-қачи» мультсериали.
16.30 Селдичино.







# БЕШИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Жавҳар ихлос билан ўрнидан туриб, кампирнинг барча айтганларини муҳайё қилди. У шу заҳоти макр-хийла намозини ўқиб, ожизлик ва эҳтиёжманлик дуосини қилди. Неча найранг билан дуо қилиб, ададсиз мадҳу саноларни айтди. Шу аснода шахзода ордан хушхол бўлиб уйига қайтди. Кўрдикки ҳовлида бир маккора сифат, кези келса ёмонликдан шайтонга дарс беришга тайёр кампир турибдур. Кўрдию барча аъзосига ларза тушти, гўёки шерга учраб қолган тулқидек. Аммо, Жавҳарнинг оғзидан бол томиб, кампирнинг ҳолини баён қилиб, таъриф мактовни ҳаддан оширди. Қари тулки фариб билан авраб шахзодани ҳам лақиллатди. Шундан сўнг Жавҳар билан Саодатшоҳ кампирга иродат қўлларини бердилар. Хоҳлаган пайтда тақаллуфсиз бу ерни қадамнинг билан мушарраф қил! — дедилар. Кампир улар билан хайрлашиб, ўглининг олдида борди ва ўзига Жавҳарни ҳусну жамолини таъриф қиларкан, айтарга тил, ёзарга қалам ожизлик қилади. Унинг эри ҳар кун саҳрога бориб, тамошо қилиб келаркан. У отлик фалон кўча орқали кечкурун шомда уйига қайтаркан. Сен ўшал кўчадаги сарманзилда базм асбобини муҳайё қилиб уни кутгин. Уни базминга олиб кириб, ичкиликни уйку дори кўшиб ичказ! Шу йўл билан уни беҳуш қилиб бир жойга ётқиз. Бу хийла билан бу ерга келтириб сўнг васлидан кўнглингни қондир, деди. Шаъмун ўша сарманзилда базм қуриб, намоз шомга яқин кўчага чиқиб турди. Узоқдан бир отлик кўринди. Шаъмун югуриб бориб таъзим қилиб, отдан тушиб бироз дам олиб ўтишини илтижо қилди. Шахзода Шаъмуннинг илтифотию илтимосидан ночор қолиб, отдан тушиб, базмгоҳа кирди. Шаъмун қўлига май тўла косани олиб шахзодага тутди. Шахзода неча хил узр қилса ҳам иложи бўлмади. Шахзода ночор майни олиб ичди. Дори ўз ишини қилди. Шахзода беҳуш бўлиб йўқилди. Уни кўтариб уйига келди ва бўлган воқеани онасига айтди. Онаси шахзоданинг қўлидан узугини олиб, шоду хуррамлик билан Жавҳар уйи томон юрди. Салом айлаб қаддини букиб эшикдан кириб деди: эй сарвиноз, офати жон, сенинг шавҳаринг (эр) менинг фарзанди дилбандим билан аҳду паймон қилишиб, ўғлим бу кеча уйда шавҳарингни меҳмон қилаяпти. Бу кеча айш-ишратда бўлурлар. Эринг бу кеча бу ерга келолмайди. Бинобарин, сени ҳолингдан хабар олмоқ учун мени бу ерга юборди. Урингдан туриб мен билан юр, сени ҳам мен меҳмон этай. Эрталаб эринг билан бирга келурсан. Жавҳар деди: бирор ерга ўзим ёлғиз сўроқсиз бормоғим яхши эмас. Кампир дарҳол шахзоданинг узугини кўрсатаркан, мана ушбу нишонани эринг бериб юборди деб, кўздан афсун ўшини оқизди ва Жавҳарни кўнглини юмшатди. Жавҳар макр-хийлага ишониб, зару зевар тақиб ясанди ва кампир билан бирга йўлга тушди. У номузининг барбод бўлишидан беҳабар эди. Кампир Жавҳарни олиб бориб бир уйга киришти, сен шу ерда ўтириб тур, мен эрингга хабар берай деб эшикни устидан беркитиб кетди. Кампирнинг бу ҳаракатларидан Жавҳар хушёр тортиб, макру хийлага дучор бўлганини фикран ҳис қилди. Атрофга назар соларкан бир шамшир кўзига намудор бўлди. У шамширни қўлига олиб, агар мени хийла билан бу ерга олиб келган бўлса, мен ҳам унга хийла билан жавоб қайтарай. Агар буни иложи бўлмаса ушбу шамшир билан ўзимни ўлдирайин деди.

Шахзодани қуллардан бирига кўтартириб Шаъмун хузурига олиб борди. Шахзодани дарҳол мастликдан хушёр қилиб, отига миндириб кўчага олиб чиқиб, кеч бўлмасдан уйингга бор, деб қузатди. Шаъмун тезлик билан юриб, Жавҳар ўтирган уйга кирди. Жавҳар Шаъмунни кўриб дарҳол ўрнидан туриб, қўлидаги қилчига ишора қиларкан, яқинлашма маълун, қилч билан бошингни узарман ва ёки ўзимни ўзим ўлдирурман деди. Шаъмун бу сўзни эшитиб худди бангилардек донг қотиб қолди. Унга хавфхатар соя солиб вужуди титрай бошлади. Эшикни маҳкам ёпиб, алам билан онаси олдига бориб, Жавҳарнинг кайфиятини баён қилди. Онаси ўғлига деди: эй зебу зиналарат соҳиби, энди унинг барча жабру фақосига чидайсан. Зеро, у сенинг тузоғингга илинган, оёғи маҳкам қилиб болганган. Уни ўзингга оз-оз ром қил! У аввал ўз жуфтидан кўнгли совисин, ана ундан кейин ўзини сенга топшираду. Шундай қилиб Жавҳар Шаъмун қўлида тутқинликда қолди.

Шахзода неча ваҳм ва қўрқув билан уйи томон борар, бироқ ҳали мастликдан ўзига келмаганди. Узининг қора бахтидек тун ҳам зим-зиё қоронгу эди. Саҳар чоғида уйига етиб отидан тушди. Эшикка қулф солинган эди. У менинг кеч келганимдан хафа бўлса керак деб, девордан ошиб ҳовлига тушиб, охира уйга кирди, аммо ҳеч бир тирик жонни учратмади. У бошини деворга уриб нола-фиғон қилар, бироқ Жавҳардан ҳеч бир дарак тополмасди, шу аллозда икки кеча-кундуз йўғлаб нола қилди. Ниҳоят, учинчи кун уйдан кўчага чиқди ва кўча-қўйларга кириб Жавҳарни қидирарди. Унинг нолаларини эшитган айрим кишилар Саодатшоҳни девоналикда айблардилар. Айримлар эса бу йигит ўз жавоҳирларини бирор ерга қўлгану, бироқ ўни ўри урган бўлиши мумкин. Шу боис бу йигит савдоий бўлиб қолган дердилар. Айрим кишилар, бу йигит ўз севгилисидан жудо бўлган ёки айрилиқ, ҳижрон ўти азобиди қолган деб гумон қилардилар. Шахзода етти кун нолаю фиғон билан бозору расталарни кезиб, жисми хасталаниб, қувватдан кетиб ерга йўқилди. Бу хабарни Шаъмун эшитиб, онасига бу ҳақда хабар қилди. Кампир ўғлига деди: унинг олдида бир мулозимингни жўнат, у тун оғунча ўша ерда бўлсин. Тун яримдан оғач, қилч билан унинг бошини кессин! Ана шу билан ўзимизни ҳадик ва хавотирдан қутқарурмиз. Зотан ўлиқни қўлидан нима келарди.

Шаъмун ўз қулларидан бирини хузурига қақириб, ўз мақсадини изхор қиларкан агар бу ишни дўндириб, кўнглимни шод қилсанг, сени қулликдан озод қилурман деди. Қул хўжайинидан барча ишларни таълим олгач, бозор тимларидан бирига кириб ўтирди. У одамларнинг оёқлари бўлса, секин бориб шахзоданинг бошини кесиб, авазига ўз бўйинидаги қуллик кишиандан бир умрга қутулмоқчи эди. Бунинг учун вақт ўтишини кутарди.


Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.  
(Давоми бор).



Ўйинчоқларим шунчалик кўпки...

Равиль Альбеков олган сурат.

## Сўранг, жавоб берамиз



**Икки нафар ногирон болам бор. Қонуларимизда ногирон болалари бор оилаларга иш ҳақиса солинадиган солиқ ўзасидан қандай имтиёзлар бор? Имтиёзлар асосий ойлик иш ҳақи учунми ёки қўшимча муқофот пулларига ҳам тегишлими?**

Ш. Юсупова.

Муқофот пуллари ҳам солиқ солинадиган ногирон фарзанди бўлган ва доимий парварши қилишни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онанинг бир ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан ҳар бир тўлиқ ой учун солиқ тўлашдан озод қилинади.

**Болаларни гўдақлик ёшидан парваршилаган вақт онанинг стажиса шу даврда ишлаган бўлсагина қўшимчадими?**

И. Ҳақимова.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунида пенсия тайинлаш учун иш стажига онанинг болаларни гўдақлик ёшида парваршилаган вақти, унинг шу даврда ишлаган ёки ишлаганидан қатъий назар қўшилади.

**Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ қандай ҳолатларда ҳақиқий эмас деб тан олинди?**

Ф. Аҳмедова.

Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг II бўлими 3-боб 15-17-моддаларига мувофиқ никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахсининг манфаатлари талаб қилган ҳолатларда ҳақиқий эмас деб топилади. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топидини никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, ота-онаси ёки васийси ёхуд ҳомийси, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир. Никоҳ ёшига етмаган эр ёки хотин ишни ҳал қилиш пайтигача никоҳ ёшига етган бўлса, никоҳ фақат унинг талаби билангина ҳақиқий эмас деб топилуши мумкин.

**Васийлик ва ҳомийлик қандай шахсларга нисбатан белгиланади?**

У. Султонов.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Соғлигининг ёмонлиги сабаб мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгилианиши мумкин.

**Оиламиз билан кроссворд, сканвордларни ечишни жуда ёқтирамиз. Айтингчи, кроссвордларнинг ватани қадимий Рим эканлиги тўғрими?**

М. Усмонова.

Кроссвордларнинг пайдо бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Илк бор кроссворд «Нью-Йорк Уорлд» — Америка газетасида 1913 йилнинг 21 декабрда чоп этилган. Кроссворд муаллифи эса инглиз фуқароси Артур Винни ҳисобланади.

**Жавоблар ҳуқуқшунос Жавобдек ЁҚУБОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

## Бу ажиб дунё

### Сувга чўккан кўлёмалар

Шарқнинг буюк шоири Умар Хайём ва машҳур «Титаник» кемасининг ўзаро боғлиқлик томонлари борми? Ҳа, дейишмоқда мутахассислар.

Маълум бўлишича, 1912 йилнинг 14 апрелидан 15 апрелига ўттар кечаси шоирнинг XX асрга қадар сақланиб қолган сўнги ва ноёб кўлёмалари «Титаник» билан бирга сув қаърига йўл олган. Лекин, қандай қилиб? — деган савол турлади. Жуда ҳам оддий. Бу бордаги олимларнинг олиб борган изланиш натижаларига кўра, Умар Хайём нафақат шоир, балки кўчи математик, астроном, файласуф ҳам бўлган. Кемадаги кўлёмалар эса шоирнинг айнан шу соҳаларга оид меҳнат маҳсули бўлиб, номаълум шахслар тарафидан ўғирлаб кетилган эди.

### Хиёнаткор сочлар

Бундан буюн спиртлик ичимлик ёки наркотик модда қабул қилган-қилмаганингни сочларингиздан ҳам аниқлаб олиш мумкин бўлади. АҚШ мутахассислари ана шундай усулни ўйлаб топишди. Уларнинг олиб борган кузатишларига қараганда, алкоголь ҳамда наркотик асоратлари соч таркибидега узоқ вақтгача сақланиб қоларкан. Сочнинг ўсиш даражасига қараб эса, ҳатто сезинган спиртлик ичимлик ёхуд наркотик истеъмол қилган вақтингиз, уларнинг миқдорини ҳам аниқлаб олиш мушкул эмас, дейишмоқда америкаликлар.

### Митти таржимон

Техронлик 3-синф ўқувчиси, 9 яшар Ризо Мухаммадий Пасонад машаққат чекиб илм олганидан сўнг Қуръони каримни 10 тилга — инглиз, француз, немис, форс, италян, испан, турк, рус, япон ва урдучага таржима қила бошлади. Ўзининг эътирофи эйтишча, бу ишда ота-онаси қатта ёрдам берган. Боланинг отаси бир неча тилларда бемалол гаплаша олади. Волидаси эса Қуръони карим ва исломий билимлар муаллимидир. Тил билиш ҳам суяк сурди, деб шунга айтсалар керак-да.

### Дубдаги хазина

Болгариянинг Рудозем қишлоғида чакмоқ қақиб, қадимий дуб дарахтига келиб тушди, натижада дарахт тезда ёниб, қулга айланди. Бу ерга етиб келган бир неча кишининг кўзи қул ичидеги қачонлардир дубга беркирилган металл идишга тушди. Очиб қараша, унинг ичи турк олтин тангаларига тўла экан. Мутахассисларнинг фикрича, тангалар бундан уч юз йил илгари зарб этилган экан.

### 15 йил

#### гувоҳномасиз

Германиянинг Бавария шаҳарчасидаги полиция ҳам учрайдиган ҳодисани қайд этди. Ўша ерлик бир хайдовчи 15 йилдан бери гувоҳномасиз машина бошқараркан. Хайдовчининг бундай қонунсиз «марафони» яна узоқ давом этиши мумкин эди, агар у йўл ҳаракати қоидасини бузмаганда.

Олимжон ХАЙИТ ва Шерзод МУРОДОВ тўплашди.

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўтганиб домо бўлаёт...

● Бир донишманд шундай дейди:

— Истироҳат ва уйқу майл қилмасдан илгари шу уч нарсани эсингизга туширинг. Аввало, бугун сиздан бирор хато иш ўтди, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тадбир билан тузатиш мумкин? Шуни ўйланг.

Иккинчидан, бугун халқ манфаати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми? Шунинг андишасини қилинг.

Учинчидан, эсланг, бепарволигингиз ва ишга совоконлигингиз туфайли қайси ишингиз амалга ошмай қолди?

● Араб олимларидан Шофийи айтди:

— Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар юмшоқлик, мулойимлик билан ҳосил бўлади. Ҳазаб келтирган зарар ғазабланган кишининг ўзига қайтади.

● Қадимги Эрон ҳукмдорларидан Анушервон айтди:

— Инсонга олий ҳимматли бўлиш тақдир этилгандир. Олижаноб бўлган бир табиб боқайтган беморни ҳиммат давоси билан даволайди, жаҳоннинг ободлиги олий ҳимматли кишилар соясида бунёдга келади.

● Мурод, мақсад ҳазиналари меҳнат кўприги устидадир.

● Ҳаёт бамисоли кўзгу — ҳар бир инсон унда ўз аксини кўради. Агар хўмрайиб боқсанг, ҳаёт ҳам сенга зарда билан қарайди. Унга доим табассум билан бок, ана шунда ҳаёт сенга дўстона кўл ўзади.

● Ақл улугликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди.

● Бир йигитнинг Хур исми жуда чиройли хотини бор эди. Душман билан бўлган урушга у йигит бормай, уйига қайтди. Одамлар таъна қилиб, унга:

— Эй номард, нега урушга бормай қайтиб келдинг? Кофирни ўлдирсанг гози, ўлсанг — шаҳид бўлиб, қиёматда жаннатга кириб, «Хури ийн» га эга бўлардинг, — дедилар. У йигит айтди:

— Уйимда ўзимнинг Хурим бор. Битта «ийн» деб ўлишни истайман.

● Икки дўст учрашиб қолиб, бири иккинчисига ўз холдан шикоят қилиб деди:

— Дўстим, ҳолим жуда оғир, мейдам ҳеч нарсани қабул этмайди, жуда кучсизман, кўзларим тинади, бошим айланади, кўнглим айнайди, оёқларим калтирайди, кечалари кўзимга уйқу келмайди, иситмалаб ёнаман. Мабодо дўстларим сендан менинг ҳолимни сўрасалар, уларга шундай деб айт, — деди.

Дўсти унга:

— Тўхта дўстим, мени кечир, бундай узун сўзларни эсимда сақлаб қололмайман. Сенинг ҳолингни сўраганларга қисқача қилиб: «Бечора дўстим вафот қилди», дейман кўяман, — деб жавоб берди.

● Қадим замонда ёғ ва асал билан савдо қилувчи бир бой ўз кўшиси тақводор одамга илхосманд бўлиб, ҳар кун унга ёғ, асал юбориб турарди. Тақводор текин келиб турган бу неъматдан озгина еб, қолганини уй тоқчасида турган хум идишга солиб қўярди. Оз фурсат ичида хум тўлди.

Бир кун тақводор хумга қараб севиниб, ўз-ўзига деди:

«Бу йигилган ёғ, асални қиммат баҳога сотиб, бешта кўй оламан. Қўйларимнинг ҳар бири олти ойда иккитадан турса, бир йилда йигирмата бўлади. Кейин булар ҳам туғиб берсалар, тез фурсатда анча қўйга эга бўламан. Қўйларимнинг бир қисмини сотиб, ҳовли-жойимни тузатаман. Уйимни янги асбоблар билан тўлдираман. Бу ишларим битгандан кейин обрўли бир одам қизига уйланаман. Тўққиз ой ўтгач, хотиним бир ўғил туғиб беради. Уни тарбиялаб ўстираман. Агар у ўйинга қизиқиб, буюрган ишимни дарров бажо келтирмаса, қўлимдаги ҳасса билан ураман», деди ва ўғлини ўз олдида фахрлаб, ҳассасини тоқчага урди. Ҳасса тоқчадаги хумга тегиб, уни синдирди, хум ёрилиб, тақводорнинг боши, юзи ва кийимлари ёғ, асал билан белади.

● Ҳар бир ишда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган киши ҳамма вақт муваффақият қозонади. Эҳтиётсизлик эса зиён-заҳмат келтиради.

**Кимки қилмас ҳар ишга эҳтиёт,**

**Ул ишидан топмагай ҳаргиз наҳот.**

## ОИЛА ДАВРАСИДА

### КҮЛГИ БЕКАТИ

Бир киши Гёте номидаги институт қаердалигини билиш учун бир талабага деди:

— Гёте шу ердами?

— Йўқ, у ўлган.

\*\*\*

Улфатлардан бири иккинчисига деди:

— Кеча яна тириллади...

— Нима тириллади?

— Соқивойнинг хотини-да!

— Тушунмадим, очикроқ гапир?!

— Соқивой кеча кўп ичиб, учиб қолганди, уйига кузатиб қўяйин деб, олиб борсам, пулемётга ўхшаб хотини яна тириллади! Энди тушунгандирсан...

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,**  
**Ўзбекистон Давлат Жаҳон**  
**тиллари университетининг**  
**катта ўқитувчиси.**



Сўзсиз сурат.



— Вой шўрим, сенга нима бўлди?  
— Ўзимизнинг ариқда чўмилган эдим.



— Ия, нега ярмини бўяб, ярмини қолдириб кетаяпсиз?  
— Мен ярим ставкада ишлайман-да.

Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.

## БҮШ ВАҚТИНГИЗДА

# Топшириқли бошқотирма

Азиз оқшомхон! Аввало кўйда таърифлари баён этилган сўзларни топиб шаклга «занжир» ҳолда ёзиб машқи ҳал этинг.

1. Таниқли француз футболчиси. 2. Йирик денгиз йиртқичи. 3. Асаларига озуқа бўлувчи ўсимликдаги модда. 4. Осиё китъасининг жануби-шарқини эгаллаган Ер юзидagi энг катта ярим орол. 5. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 6. Ҳафта кун. 7. Маълум вази-фани бажаришга мўлжалланган меҳнат қуроли. 8. Саноат ва табо-батда ишлатиладиган қизғиш-қўнғир тусли, захарли ва ўткир хилли модда. 9. XVIII асрда яшаб ўтган туркман мумтоз шоири. 10. Халқ табибатида фойдаланилиб келинаётган чўл гиёҳи. 11. Сўнгги йил-ларда мамлакатимизда тикланаётган азалий урф-одат ва анъана-лар мажмуи. 12. Махсулотнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва меҳнат ҳақидан иборат қиймати. 13. Алишер Навоий дostonлари-нинг насрий баёни муаллифи, ўзбек шоири ва таржимони. 14. Баланд ўсувчи даррахт. 15. Матбаа нашрлари ҳазинаси. 16. Сўз саныати. 17. Ёзувчи ва шоирлар тўғрисида маълумот берилган ва асарларидан намуналар келтирилган тўплам. 18. Ёввойи тоғ қўйи.

19. Санъаткор аёл. 20. Гана мамлакатаи пойтахти. 21. Африка китъасидаги давлат. 22. Глоидлар оиласига мансуб кимёвий модда. 23. Асарни нашрга тайёрлаш жараёнида хар томонлама урганиш. Энди жавобларни тўғри ёзган бўлсангиз шакл айланмаларидаги харфларни ўқинг. Улардан ўзбек халқ мақолларидан бири-ни билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Фозилжон ОРПОВ**  
**тузган.**

**Газетанинг шу йил 14 сентябрь сонидан берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича:** 1. Ёз. 2. Дарвоза. 3. Киев. 4. Авометр. 5. Авиация. 6. Гилвата. 7. Сихмола. 8. Ҳафтияк. 9. Нашвати. 10. Пайраха. 11. Частота. 12. Шудринг. 13. Хуррият. 14. Портрет. 15. Чорраха. 16. Фаргона. 17. Тантана. 18. Олмалик. 19. Улуғбек. 20. Фазилат. 21. Хасайни. 22. Синони. 23. Қизирки. 24. Садоқат. 25. Назокат. 26. Парварда. 27. Уд. 28. Давл. 29. Нишона. 30. «Илида».

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Вакт», 2. «фан», 3. Ибрат. 4. Давр.

**Халқ ҳикмати:** Ватан фақат биттадир.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Акмал Икромов тумани ички ишлар хизмати ходимлари яна бир оғу билан боғлиқ жиноятнинг олдини олдилар. Ҳеч қаерда иш-ламайдиган фуқаро В. Юрий тўхташиб текширилганда, унинг ёнидан кишига қучли таъсир этув-чи марихуана гиёвандлик модда-си топилди.

● Шунингдек Бектемир туман ИИБ навбатчилик қисмига тушган хабар бўйича олиб берилган тез-кор тадбир натижасида наркотик моддани ўзида сақлаган, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Комил ушланди. У тинтиб кўрилганда чўнатида героин гиёвандлик мод-даси борлиги аниқланиб, тортиб олинди. Юқорида кўлга олинган шахслар қилган қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

● Талончилик ҳам энгил-елги, бели оғримасдан пул топшининг бир йўлидир. Бундай йўлга кир-ган инсонлар катта хато қилган-ларини кеч англайдилар. Гулис-тон мавзесидаги унинг йўлиги да номаълум шахс А. Нинанинг сумкасини 20.000 сўм пули бил-лан қилиб олиб жуфтани ростла-ди. Бундан хабар топган Чилон-зор туман ИИБ ходимлари тез-лик билан жиноятнинг олдини олишга киришдилар. Қилгангн харақатлар зое кетмади. Ушбу жи-ноятни амалга оширган Баҳоидир Р. далилий ашёлар билан кўлга олинди. Энди бу йигит қилган ишга пушаймон бўлиб терговда жавоб бермоқда.

● Айрим кишилар нима қил-сам ҳам ҳеч ким мушугимни гишт демайди, деб ўйлашади. Оқибатда охирини ўйламай зўравонлик-ка кўл урадилар. Сирғали туман-ида яшовчи ҳен қаерда ишла-майдиган Ботир И. спиртли ичим-ликни истеъмол қилиб таниши Лутфилло А. ни уриб, жиддий тан жароҳати етказди. Кейин босқ-инчилик қилиб унинг бир қанча пу-лини олиб кетган. Натижада жа-бравануви «бурун сугининг сини-ши» таххиси билан шифохонага ётқизилди. Айланувчи тезда уш-ланиб далилий ашёлар олинди. Ушбу содир этилган жиноят юза-сидан суриштирув ва тергов ҳара-катлари олиб берилмоқда.

● «Қўшининг тинч, сен тинч», деб беҳиз айтилмаган. Лекин айрим пайтлари қўшинлар ҳам арзимас нарсалар учун ёқалашиб ўтириша-ди. Ана шундай қўнғилини хира қиладиган хабар Собир Раҳимов тумани ИИБ навбатчилик қисми-га тушди. 1972 йилда туғилган фу-қаро Акмал А. безорилик оқибат-ида Шавкат П.ни уриб тан жа-роҳати етказди. Эндилқда муш-тумзўрлик натижасида Шавкат бурнининг суяги синган бўлса, Акмал ер қизиб терговчи савол-ларига жавоб бермоқда.

● Пойтахтимиз кўчаларида қаровсиз қолдирилган автомобил-лардан автомагнитолаларнинг ўғирланиш ҳоллари учраб туриб-ди. Яқинда ҳеч қаерда ишламай-диган, илгари султананидан тер-ғишли хулоса чиқармаган Алишер А. «Опель» русумли энгил маши-нани қилиб танлаш йўли билан очиб, ундаги магнитолани ўғир-лаб кетган. Хушёр милиция хо-димларининг саёй-харақатлари туфайли содир этилган жиноят тезда очилди.

● Айрим инсонлар борки би-ровнинг ҳақини ейишдан, алдаб пулини олишдан ҳеч ҳам қўрқмай-дилар. Айни пайтда фуқаролари-мизнинг ишонувчанлиги ўзлари-га қаттиқ панд бермоқда. Ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Дилбар фириб йўли билан Ферузани ал-даб, «АКШга ишга жўнатман», деб паспорти, 2200 АКШ доллар-ини олиб қайтариб бермаган. Собир Раҳимов тумани ИИБ хо-димлари содир этилган фириб-гарлик юзасидан тегишли чора қўрилди. Ҳозирги вақтда ушбу жиноят бўйича суриштирув ва тер-гов ҳарақатлари давом этмоқда.

**Замон ЭШОНКУЛОВ,**  
**Тошкент шаҳри ИИБ**  
**Матбуот марказининг**  
**жамоатчи муҳбири.**



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70,  
эътилол —  
133-28-93, 133-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажини — 2 босма табоқ оғсет  
усулида босилади.  
2668 нусxada босилди. Қоғоз битими А-2

**Душанба, чоршанба**  
**ва жума**  
**кунлари чиқади.**  
**Нашр кўрсаткичи — 209**

Газета Ўзбекистон Давлат  
матбуот қўмитасида  
10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта  
бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига  
муражат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оққоми»нинг компьютер  
марказида терийди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.